


Маълумки, 2002 йил май ойида Бухорода мамлакат талабаларининг II универсиадаси ўтказилди. Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан шаҳарнинг 10-11 минг томошабинни сиғдира оладиган бош стадиони мусобақалар бошлангунга қадар тубдан қайта таъмирланиши режалаштирилди. 30 минг кишилик замонавий стадионни барпо этиш учун 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.



Ma'rifat

МАБРИФАТ • ХАЛҚ ЭИЭЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 28 февраль, чоршанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 17 (7316)

Da'vat

Яхши китоб муаллифнинг одамзод учун аталган тортиғидир.

Жозеф АДДИСОН

Республикамиздаги мактабларни боғу роғларга айлантирамиз!



Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Халқ таълими вазирлигининг "Республикамиздаги мактабларни боғу роғларга айлантирамиз" ташаббуси жойларда қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли Аббор Хидоятлов номидаги мактабда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилиб, илм маскани атрофи ободонлаштирилмоқда. Мавжуд дарахтлар оқлаиб, бўш майдонларга гул кўчатлари ўтказилаёттир.

Суратларда: ўқув ва тарбия ишлари бўйича мактаб раҳбари ўринбосари Зумрад Иброҳимова ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ барча ишларга бош-қош бўлаёттир.

РАҲБАРЛАРНИНГ ИШДАН КЕЙИНГИ МАШҒУЛОТЛАРИ

Бухоро шаҳар қурилиш, Ромитан саноат, Вобкент қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежлари, БухДУ қошидаги академик лицей ва Жондордаги 11-хунар билим юртлири базасида олти ойлик курслар ташкил этилди. Унинг тингловчилари вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув муассасалари раҳбарларидир.

— Тизимимиз ўқув муассасалари тўла "Интернет" тармоғига уланган. Тажриба, вақт инглиз тилини билмасдан ва компьютерда ишлаш кўникмасини яхши эгаллашдан "Интернет" дан мақсадли ва самарали фойдалана олмаслигимизни кўрсатмоқда, — дейди бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Нусратилло Шарипов. — Ўқув ташкил қилишдан кўзланган мақсадимиз ана шу муаммонинг ижобий ечимига эришишдир. Тингловчиларнинг қатнови учун қулайлик яратиш, вақтларини тежаш, иштирокларини таъминлаш ва асосий фаолиятларига халақит бермаслик назарда тутилиб, ўқув ҳудудий шаклда йўлга қўйилди. Машғулотлар ҳафтада 4 кун, ишдан сўнг ўтказилади. Шуниси диққатга сазоворки, бошқарма ташаббуси билан йўлга қўйилган мазкур ўқув дастурини ҳам тизимда ишлаётган тажрибали мураббийлар яратилган. Унинг муаллифлари — БухДУ қошидаги академик лицей инглиз тили муаллимаси Гулжамол Асадова ва Бухоро енгил саноат касб-хунар коллежи информатика фани ўқитувчиси Мухтор Жўраевдир.

Tashabbus

Ўқув муассасалари раҳбарларининг бу йўсин инглиз тили ва компьютерда ишлашни ўрганишларининг бошқа бир фойдали томони ҳам бор. Таълим соҳасида хорижий мамлакатлар билан узвий ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилган ҳозирги шароитда уларнинг турли чет давлатларда хизмат сафарларида бўлишларига тўғри келади. Биргина Бухоро вилоятининг ўзидаги тизим муассасаларининг ўнлаб раҳбарлари хорижий давлатларга таширф буюрганликлари фикримизнинг далилидир. Бундай шароитда инглиз тилида сўзлаша олмаганга, компьютер техникасини ишлата олишни яхши билганга нима етсин. Бу ҳар қандай мутахассис учун кўпроқ нарсани билиш ва ўрганиш имконини берувчи муҳим омил саналади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, "Маърифат" муҳбири

«ШУ АЗИЗ ВАТАН—БАРЧАМИЗНИКИ»

Ортимиз келажагининг фаровонлиги, унинг истиқболли ёшларининг ақл-заковати ҳамда уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан куч-қудратига таянади. Президентимиз Ислам Каримов "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббускор гуруҳи билан бўлган учрашувда ушбу ҳаракатни тузиш ҳақидаги тақдирларини ҳамда унинг мақсад ва асослари нима эканини иборат бўлиши асосини таъкидлаб ўтди. Эндликда "Қамолот" ижтимоий ҳаракати фаолиятини кенгайтириш ҳамда ушбу фаолиятнинг республикамиз чекка-чекка

СУСТ ЁШЛАРНИ ҲАМ ТАЪСИР ДОИРАСИГА ОЛСА...

худоуларига кириб боришни таъминлашимиз лозим. Шу билан бирга, ҳаракат фаолиятига ихтиёрий-мажбурий таълимдан сўнг баъд бўлмаган ёшлар эътиборини жалб этиш, маълум ўқув муассасаларида эса нафақат илгор ёшларни балки, айрим жиҳатдан суст ва қолоқ ёшларини ҳам шу ҳаракат таъсир доирасига олиш, "уйроғиш", маънавий ёрдам бериш керак, деб ўйлайман. Шундангина келажакда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ораву-умидларини рўёбга чиқарувчи ягона таянчга ҳамда уларни турли сиёсий бўлиқларга улоқтирмаслик кафолатини берувчи ёшлар ишончига айлана олади.

Гулноза ҚҮЙЛИЕВА, лицей ўқувчиси

СЕВИБ ЎРГАНИШЧА ЯПТИ

Тахриратимизга пойтахтнинг Сирғали туманидаги асосан рус тилида сўзлашувчи оналар фарзандлари тарбияланадиган 109-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг ота-оналаридан мактуб келди. Унда таъкидланишича, мазкур максадан таълим-тарбияга оид машғулотлар рус тилида олиб борилиши билан бирга ўзбек тили машғулотлари ҳам намунали ўтиляётгани, фарзандлари мурғаклик давридан қандай тилини яхши ўзлаштираётганиларидан маънун эканликлари изҳор этилган.

Мухбиримиз мактуб бўйича болалар боғчаси фаолияти билан танишиш, илгор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўзбек тили ўқитувчиси, психолог Раъно Ахатовадан ўғил-қизларни мазкур машғулотларга қандай қизиқтиртгани, асосан нимага эътибор бераётгани ва қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Болалар боғчасида таълим-тарбия Соғлом авлод учун йўналиши бўйича олиб бориляпти. Тарбияланувчиларининг турли миллат вакиллари — озарбойжон, корейс, арман, ўзбек, қозоқ ва руслардан иборат. Катта ва тайёрлов гуруҳларида ўзбек тили машғулотини олиб борама. Машғулотларда миллийликка, одоб-ахлоққа алоҳида эътибор берама. Болаларга ўзаро муомалада "сен" эмас, "сиз" деб гапиришни, "сен" ҳам, "сиз" ҳам бир оғиздан чиқиб, унда ҳурмат маъноси борлигини ўқтирама. Мақсадим, ўзбекча сўз рамазлари, каварда яшаётгани, нимагадан факрланши кераклигини аниқлаш, асосийси одоб-ахлоқни йўлга қўйишдан иборат. "Хадис"лардан ҳам аста-секин ёшларга мослаб ўргата бошладим. Дастлаб хадислар, буюк сиймолар,

хис қилдинг, деб сўраганим, ҳаммаси ҳар хил таъриф беришди. Биринчи, иккинчиси қуш, яна бошқаси эса гуллардан овоз келяпти, деб жавоб беришди.

— Мусиқа ёқдим, кимга ёқмади? — деган саволимга ҳамма болалар: — Жуда яхши, ёқди, дейишди.

Уларнинг жавобларидан жуда ҳам хурсанд бўлдим. Гуруҳларда ҳам миллий бурчак ташкил этилган. У ерда бешик, сулпача, сўри, кўрпача, миллий кийимлар — тўн, атлас қўйлак мавжуд. Мехмон кутиш, дастурхон ясаш, қўлини кўксига қўйиб саломлашиш, мулозимат билан чой узатишни ҳам ўрганишга қўйиб берилган.

Tajriba, sinov, natija

русча-ўзбекча сўзлар аралаш бўлса ҳам, баҳоли-қудрат бажаришмоқда. Машғулотларда миллий ҳаракатли ўйинлардан, эртаклардан фойдаланама. "Хурмача боғи, тўқилди ёғи", "Қоч болам, қўч келди", "Бўри ва қўйлар", "Қалақ, турна ва қурбақа" ўйинлари шулар жумласидандир.

Қалақ деганда қанотларини — қўларини ёйишади, оёқ учига туриб, қалақини тасаввур қиладилар. Қурбақа деганда оёқни қўлга чалиштириб, сакрашади. Камган, тезда қўшила олмайдиган болалар билан алоҳида шуғулланаман. Масалан, "Мехмон-мехмон" ўйинини ташкил қилиб, Максим деган болани адаси деб тайинладим. Максим камҳаракат, пассивроқ болди. Уни Юля, Софья

деган фаол қизлар билан бириктириб қўйдим. Кўпроқ ўзбекча муомала қилишга ҳаракат қилишди.

Машғулотда уялиб турган болани ўзбек тилида мактаб, буюн тўғри жавоб бердинг, деб яхши томонга йўналтириб, таъсир кўрсатаман. Айрим болалар қ, г товушларини айтишда бир-мунча қийналадилар, Шу боис мазкур товушлар талаффузини ойнага қараб ўрганмоқдалар.

Масканд "моҳир қўллар", баддий гимнастика, "Ўзбек тили — ўз тили" каби тўғрақлар мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Боғчамиз 2-мактаб билан ҳамкорлик ўрнатган. Болалар билан мактабга экскурсия ташкил қиламиз. Ўқитувчиларни машғулотларга тақлиф этамиз. Бўлажақ ўқувчилари билан яқиндан танишадилар.

Иш жараёнида содир бўлган муаммолар ҳақида тўхталсам, дастурда кўрсатилган ёзувчи ва шойлар асарларининг рус тилидаги таржимаси йўқ. Тарбиячлар бир оз қийналишмоқда. Х.Тўхтабоевнинг "Ҳасса", Я.Савдлаеванин "Йўлда", Қ.Мухаммадийнинг "Кичкина қўшча", "Ўзбек халқ эртаклари"дан "Очқўз ит", "Қарғавой" шулар жумласидандир. Тақлифим дастурда қайд этилган асарлар таржимаси бизга тезроқ етиб келса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Сухбатдош: Дилбар ХҲАЕВА



• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йилда Курбон ҳайитининг биринчи куни 6 мартга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2001 йил 6 мартни дам олиш куни деб белгилаб, ушбу куни байрам сифатида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди.

• Мамлакатимизга таширф буюрган Тинчликка тарафдор Осие парламентлари уюшмаси бош котиби Қозил Манзури - Мошла 26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов билан учрашиб, уюшманинг истиқболдаги ҳамкорлик режалари билан ўртоқлашди.

• Рейтер агентлигининг хабар беришича, Колумбия президенти Андрес Пастрана ва Революцион курали кучлар раҳбари Мануэль Марулан АҚШ ва Куба ҳукуматини тинчлик музокаралари ўтказиш учун ўз мамлакатларига тақлиф этдилар ва 8 март куни бўлиб ўтадиган учрашувда Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Мексика ва Бразилия давлатлари вакиллари ҳам иштирок этадилар.

• Ўтган йилнинг ноябрь ойида Хитойда порахўрлик ва коррупция билан шуғулланиб, ўлим жазосига ҳукм этилганларнинг 7 нафарига нисбатан мазкур жазо қўлланилган бўлиб, Хитой Халқ Республикаси тарихида энг катта коррупция жиноятчилиги саналаётган ушбу ноқонуний ҳаракатда юқори мартабали давлат вакиллари ҳамда партия арбоблари иштирок этишган, дея хабар қилади Франс-Пресс агентлиги.

• Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири бўлиши Американин "Женерал Моторс" корпорацияси шу ҳафтадан бошлаб ўз ватанидаги 10 та заводда ишлаб чиқаришни вақтинчалик тўхтатиш ва 21900 нафар ишчисини мажбурий меҳнат таътилига чиқариш орқали умумий ҳаражати камайтиришга ва оммоборлардаги тайёр маҳсулотларнинг тезроқ сотилишига эришмоқчи.

РЕЙТИНГ:

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДА

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМДА

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА

Халқ таълими тизимига кириштирилган янгиликлар қаторида ўқувчилар билим даражасини баҳолайдиган рейтинг усули ҳам қўлланила бошланди. Аммо уни таълим муассасаларида жорий этишда ҳамон муаммолар қўраёттир. Нега? Унинг қийинчилик жиҳатлари нимага акс этмоқда? Бу йил тавсия этилган рейтинг тизимининг вақтинчалик Низомида ҳам етишмовчиликлар мавжудми? Вазиятдан чиқиб кетиш учун қандай юмушларни амалга ошириш зарур? Яқинда Ҳамза туманидаги 307-мактабда ўтказилган "Умумтаълим мактабларида рейтинг тизимини жорий этишда мактаб раҳбариятининг ўрни" мавзусидаги мактаб ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун етишмовчиликлар семинарида ана шу каби масалалар муҳокамага тортилди.

Seminar

Муаммоли семинарга Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ислам Зокиров, ТШУМОИ директори муовини Умар Зиёев, ЎзФФТИ бўлими бошлиғи Маманазар Тожиев ва бошқа мутахассислар тақлиф этилдилар.

(Давоми 2-бетда)

Семинарда иштирокчилар мавжуд муаммоларни шўббаларга бўлинган ҳолда ўрганишди, тумандаги илгор мактаблар иш тажрибалари билан танишдилар. Эътиборлиси, бу ерда муаммоларни бартараф этиш юзасидан жўяли фикрлар ўртага ташланди. Сўзга чиққанлар жараёнда ўқитувчиларнинг фаол иштироки зарурлигини, шу аснода тақлифлар билдирилмас, Низом аввалги ҳолида қолаверишини қайд этдилар.

Jarayon

Баҳолашнинг янги тизимида афзалликлар билан бир қаторда қийин-қулайлик ҳам бор, — деди пойтахтимиздаги 308-мактаб ўқитувчиси Оллоёр Кутлимуродов. — Масалан, мактабларда чоракликлар охирида ўқувчилар олган баллар муаллимлар томонидан соатлаб ҳисоблаб чиқилади ва кўп вақт сарфланади. Шунингдек, айрим ҳолларда ўқувчилар баллари 1 даража ("3" баҳога) етмай қолса, балларни (фанларни) ўзлаштирмаган ўқувчини синфда қолдирмаслик мақсадида) "хаво"дан олишга тўғри келади. Республика ишчи гуруҳи бу муаммони баҳамжихатликда ўрганиб чиқишлари зарур деб ҳисоблайман.

(Давоми 2-бетда)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг 1993 йил 26 мартдаги қабул қилинган қарорига асосан, "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлирида талабалар ўзлаштиришининг кўп босқичли назорати тўғрисида"ги Муваққат Низом тасдиқланиб, 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб рейтинг тизимини барча олий ўқув юртлирида татбиқ қилиш белгиланган эди. Ўтган йиллар мобайнида рейтинг тизимини қўллаш бўйича Ўзбекистон Миллий Университетида ҳам етарли тажриба ортирилди.

Munosabat

Хўш, рейтинг тизими олдинги баҳолаш ролитидан нимаси билан фарқ қилади? У талабанин билимининг ҳолисона баҳолайди. Чунки агар талаба ўқув йили бошидан етарли балл тўпласа, унинг баҳоси автоматик равишда "аъло" ёки "яхши" қилиши мумкин. Бу эса талабадан ҳар доим фаол бўлишни ва дарсга мунтазам қатнашишни талаб этади. Шунингдек, рейтинг тизимида, ҳар бир фан бўйича талабанин ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади. Бу ҳол жорий, оралик, якуний баҳолаш турлари орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, қўлгина олий ўқув юртлирида инглиз сифатида кириб келатган модуль тизими ҳам Ўзбекистон Миллий Университетида ўз натижасини бераёттир. Модуль тизимида бир семестр даво-

Фаррух АБРАЕВ, ЎЗМУ талабаси

СИЗДАН БИР ИЛТИМОСИМИЗ БОР...

Мактуб битиш маданияти хусусида

Муҳтарам "Маърифат" муштарийлари. Сизга бу талғи мурожаатимиздан мудоао: бир кичик масала — таҳририятимизга йўллаётган мактубларингизнинг мукамаллиги хусусидадир. Шунинг қувонч билан татқиқламоқчимизки, ҳар куни эрталаб газета таҳририятларига келган мактублар орасидан "Маърифат"га дейилганларини ажратиб оларканмиз, кунгизимиз тоғдек кўтарилади. Бонси, хатларнинг саломақди қисми бизга тегишли бўлади. Бу йўқловингиз бизнинг кучимизга куч қўшиб, Сиз азизлар учун ишлаётганлигимизни мудоао эслаб, жамоамизни янги-янги излашилларга ўндайдиди. Газетамизнинг ранг-баранг бўлишида, албатта, мактубларингизнинг ҳам ўз ўрни бор. Бироқ барча хатлардан ҳам фойдаланишнинг имкони бўлмай қолаётгани таассуфлидир. Баъзи мактублардаги арзимас камчиликлар яхши материалларнинг ҳам газета саҳифасига чиқишига ёки чиққанда ҳам Сизга меҳнатингиз учун қалам ҳақи (гонорор) жўнатишимизга тўсқинлик қиломоқда. Булар: конвертда ва хат ичида мактуб муаллифи манзилнинг тўлиқ кўрсатилмаслиги, алоқа бўлими индекс рақами ёзилмаганилиги, хат ёзилган сана ҳамда муаллиф имзоси қўйилмаслиги. Баъзи мактуб йўловчилар фамилияни ёзган ҳолда исмларини тўлиқ ёзишни унутиб қўядилар...

Албатта, булар имкониимиз доирасидаги, ечилиши мумкин бўлган муаммолар. Бунинг учун озгина сабр, озгина кунт, эътиборингизни дариг тутманг. Бу бизнинг илтимосимиз.

Мактуб — кўзгу мисол. Кимлигингизни ёзувингиздан, мактубингиздан билиб оламиз. Қисқа, лўнда, саломақди фикр ифодаланган, мукамал мактубларингизни кўтиб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ

Алоҳида эътибор билан таълим берилаётган академик лицейларнинг толиби илмлари хозирданок, ўзларини намоён қила бошладики, демак, қарғ ўзларига қадалган халқимизнинг қиёғли нигоҳларини ерга қаратмайдилар!

Навоийни Самарқанд, Бухоро каби ўша даврнинг машҳур шаҳарлари, гузал ғўшалари, тарихий обидалари қизиқтирмай қолгани мумкин эмас, албатта.



ФАОЛИЯТ УЧУН ФОЙДАЛИ ҲУҚУВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси бугунги кунда жуда кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда. Республикамизнинг барча жойларида мурабийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш уюшмаимиз асосий мақсади. Бу мақсадга амал қилаётган касба уюшмалари Марказий кўмитаси

яна бир аънъани бошлади. Янги йилдан буён Марказий кўмита режага биноан кадрлар ўқитишни йўлга қўйди. Федерация "Ўқув маркази"да 6 кунлик ўқув ташкил этилди. Кадрлар ўқувига шу кунгача Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси кўмиталари раислари иштирок этиш-

ди. Улар турли мавзуларда маърузалар тинглашди. Ўқув курсида касба уюшмаларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишда таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмиталарининг ўрни, Касба уюшма маблағлари ва уларни моддалар бўйича тақсимлаш, режалашти-

риш, ойлик маошларни белгилаш тўғрисидаги бир қатор қизиқарли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Кадрлар ўқувига Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси З. Кодиров маъруза қилди. МУХБИРИМИЗ Суратларда: касба уюшмалари ходимлари ўқув курсидан лавҳалар. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

АНЖУМАН ИТАЛЬЯН ТИЛИДА БЎЛДИ

Яқинда Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университетида Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Маданий алоқалар бўлими ташаббуси билан итальян тили ўқитувчилари малакасини оширишга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Илмий анжуманда Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида итальян тили бўйича тахсил олаётган талабалар, ҳозирги кунда республикамизда олийгоҳларида таълим бераётган итальян тили ўқитувчилари қатнашди.

Ёш мутахассисларни тил ўқитишнинг янги усуллари билан таништириш (ҳозирги кундаги фан-техника соҳаларидаги ўзгаришлар, реклама санъати ҳақида таништириш), таълим соҳасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш анжуманининг асосий мақсади эди.

Анжуманда Словакия республикаси Братислава шаҳридаги итальян тилига ихтисослашган лицей профессори Жезеппе Баллеро нутқ сўзлаб, ўзининг кўп йиллик тажрибаларини ёш мутахассислар билан ўртоқлашди, уларга кўплаб ижобий маслаҳатлар берди. Шунингдек, анжуманда реклама ва телевидение соҳасида бўй таърибга эга бўлган мутахассис Вилма Мацца хоним қатнашди.

Анжуман қатнашчилари ва итальянлик меҳмонлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Бу илмий анжуманда янги замонавий технология асосида тил ўргатишнинг янги усуллари айтиб ўтилди.

Бундай илмий-амалий анжуманларнинг мунтазам ўтказилиши белгилан олди.

Ақром Йўлдошев

Яқинда ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи ташаббуси билан Тошкент шаҳрида маъжуд бўлган 18 та академик лицей ўртасида "Қонуниимиз — ҳимоямиз" ҳуқуқий марафони ўтказилди. Лицей ўқувчиларининг ажойиб чиқишлари билан бошланган марафоннинг очилиш маросимида тадбир ташкилотчилари — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар УМКХТ бошқармаси, Тошкент Давлат Техника университети, мазкур университет қошидаги Чилонзор академик лицейи вакиллари, шунингдек, UNESCO ташкилоти ва

мақсад — ўқувчилар ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари ўртасида учрашув ташкил этиш, лицейлар ва уларнинг ўқувчилари орасида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

— Маълум бўлишича, марафонда лицейнинг вакиллари иштирок этмаётган экан.

— Дарҳақиқат, шундай. Холлисликни таъминлаш мақсадида шунга қарор қилдик. Бироқ бу, бизнинг ўқувчилар мазкур тадбирдан четда қолди, деган маънони билдирмайди, аксинча унинг асосий ташкилотчилари

кинликлар ҳамда бурчларга эга, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, Жамиятнинг иқтисодий негизлари, Ўзбекистоннинг халқаро ҳам-жамият билан муносабати, Оила жамиятининг асосий бўлаги, Оммавий ахборот воситалари, Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши каби бекатларда иштирокчиларга мавзу бўйича саволлар берилиб, уларнинг жавоблари баҳолаб борилди.

Очилини айтганда, биз (матбуот вакиллари)нинг ҳам болу-тун кучимизни сарфлашга тўғри келди ва натижада Чилонзор

шўнгириш, муайян мавзунинг тасвирлаш, қиёслаш, ассоциациялаш, солиштириш, қўллаш ва таҳлил қилиш қисмларидан ташкил топган бу дарс, айтиш мумкинки, ёшларнинг мустақил фикрлаши ва уни ифода эта олишига жуда катта ёрдам беради. Унга узвий боғлиқ бўлган "Ақлий ҳужум" танловида эса ҳақиқий бахс-мунозаранинг шохиди бўлди. Бу иккала босқич ҳам агона мавзу — Конституция мавзусида бўлиб ўтди.

УМИДЛАР ОҚЛАНАЖАК!

Танловнинг барча босқичлари тугагач, марафоннинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Ҳисоблаб чи-

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА ҲУҚУҚИЙ МАРАФОН

Сорос жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, "Камолот" жамғармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги юридик клиника, Чилонзор тумани прокуратураси, ички ишлар органлари каби турли муассасалардан ташриф буюрган меҳмонлар марафон ҳақида ўз фикрларини билдириб, унинг қатнашчиларига муваффақият тилладилар. Фурсатдан фойдаланиб, тадбирнинг асосий ташаббускори бўлмиш Чилонзор академик лицейи директорининг муовини Еқуб ака Зиёевдан қисқача интервью олдик.

— ЛИЦЕЙДА МАРАФОН?

Шундай қилиб, марафон бошланди: Пойтахтимиз академик лицейлари вакиллари (ҳар бир лицейдан 6 нафардан иштирокчи) ўзларига берилган махсус йўналиш варақалари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли боблари асосида ташкил қилинган бекатларга йўл олдилар. Ўзбекистон — суверен демократик республика, Ўзбекистон Республикасида барча бир хил ҳуқуқ ва эр-

ва ўтказувчилари, кўриб турганимиздек, мана шу ўқувчиларимиздир. Улар Г.Зиятдинова, Л.Шамсутдинова, Р.Тувалов, И.Насибянц, А.Арапова, Г.Алматова каби ўқитувчиларимиз ёрдамида барча ишларни ўзлари амалга оширдилар.

Шунингдек эътироф этиш жоизки, тадбир ташкилотчилари марафондан кўзлаган ва юқорида айтиб ўтилган барча мақсадларига эришишди.

...Тушликдан сўнг барча иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, навбатдаги танлов бошланди. "Давра суҳбати" деб номланган бу босқич танқидий фикрлаш руки остида бўлиб ўтди. Эсластик ўтамиз: танқидий фикрлаш — бу, янги педагогик технологиялардан бири бўлиб, Чилонзор академик лицейида барча дарслар ана шу услубда бўлиб ўтар экан. Танишув, қоидаларни ту-

қилган натижалар асосида голиблар аниқланди. Албатта, шунчалик тер тўқиб ишлагандан кейин ҳеч ким куруқ қолмайди — марафон голиблари деб топилган ЖИДУ, ТТЕСИ, Иккинчи ТОШМИ, ТДЮИ, Тошкент алоқа институти каби олийгоҳлар қошидаги академик лицейлар жамоаларига, шунингдек бошқа иштирокчиларга тадбир хомийлари бўлмиш UNESCOнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Сорос жамғармаси, Тошкент Давлат Техника университети қимматбаҳо совгалари топширилди. Энг муҳими, ёшлар гўё бирор байрам нишонланганидек ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

Тадбирдан келиб чиққан бизнинг хулосамиз эса аниқ ва ягона: алоҳида эътибор билан таълим берилаётган академик лицейларнинг толиби илмлари хозирданок ўзларини намоён қила бошладики, демак, улар ўзларига қадалган халқимизнинг умидли нигоҳларини ерга қаратмайдилар!

Ботиржон ҒОФУРОВ

BOLALAR ENSIKLOPEDIYASI. БОЛАЛАР ДУНЁСИ ҚОМУСИ. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги ҳамда оналар ва болалар йилига бағишлаб бир жиллик "Болалар энциклопедияси"ни нашрдан чиқарди. Кичкинтойларга мўлжаллаб лотин алифбосида чоп этилган илк қомуснинг мундарижаси гоят кенг ва ранг-баранг. Ундан болалар уйда, мактабда, китобларда, радио тинглаганда, телевизор кўрганда учрайдиган қўлаб нотаниш сузларнинг маъноси ва мазмунини билиб оладилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб топадилар. Китобдан "Арктика"дан тортиб "Африка"гача, "Дельфин"дан "Дунёнинг етти мўъжизаси"гача, "Математика"

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ўқувчилар хинд тилини жуда катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бу ерда тил ўрганиш фақат дарслар билан чекланиб қолмай, Хиндистон маданий маркази билан ҳам алоқа ўрнатилган. Марказда ўқувчиларнинг хинд тилини янада яхшироқ билишлари учун барча шарт-шароит мавжуддир. Хиндистон маданий маркази ходимлари эса лицейга тез-тез келиб, ўқувчилар билан учрашувлар уюштириб турадилар. Чунонки, яқинда ЛИЦЕЙДА ХИНДИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР лицейга марказ раҳбари Қамар Райис ва бир неча Хиндистондан келган меҳмонлар ташриф буюрдилар. Тадбирда лицейнинг хинд гуруҳи талабалари хинд тилида шеър, қўшиқ ва ҳар хил сахна кўринишлари тайёрлаш, меҳмонларни хушнуд этдилар. Учрашув сўнида марказ раҳбари Қамар Райис ўқувчиларга келгусидаги ўқишларида омадлар тилаб, марказ номидан эсдалик совгаларини тақдим этди. Наима МИРҲОЖИЕВА, лицей ўқувчиси

Байрамолди тантана. Кўни кеча пойтахтимиздаги ажойиб шифо масканларидан бири "Чинобод" сихатгоҳида "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" шiori остида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Аёлларимиз байрамини ҳаммадан эрта бошлаган сихатгоҳ ходимлари бу ерда дам олаётган барча аёлларни баҳор ва гузаллик байрами билан муобракбод этиш, уларга нафақат дори-дармон билан, балки руҳий жиҳатдан ҳам мадад бериш мақсадида ушбу байрамолди учрашувини ўтказишди. Учрашувда халқимизнинг сеvimли санъаткорларидан иборат "Ялла" гуруҳи ва Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ўзларининг диляробо куй-қўшиқлари билан қатнашган бўлсалар, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаевлар гузал ашёрларни билан дам олувчиларнинг кўнгилларига хушнудлик бахш этишди. Сихатгоҳ бош шифокори Насим Шайхов даволанаётган барча аёлларга сихат-саломатлик ва бахт ёр бўлишини тиллади. Бундай мароқли ўтган кечада барча аёллар ўз дардларини унуттиди. Янгилини ва яшариш фасли бўлган бахорини янада кутаринки кайфиятда кўтиб оладиган бўлишди. Каримжон АБДУРАҲМОНОВ

ОНАЛАРГА ТАЪЗИМ ҚИЛИНГ!

Халқаро хотин-қизлар байрамига ҳам саноқли кунлар қолди. Байрамнинг мазмуни, мароқли ўтишини ҳар бир жамоа истайди. Куйидаги РТМ томонидан тавсия этилаётган тартибот ҳам шу байрамга бағишланган. Ўқиб кўринг, балки сиз ҳам байрамни шу тартибга нишонлашни маъқул топарсиз.

Тадбир ўтказиладиган жой байрамона безатилади. Бу ерни безашда "Жаннат оналар оёғи остидадур", "Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади", "Хотиннинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси" каби ҳикматли сўзлар ва ҳадислардан фойдаланиш мумкин.

Тадбирга ўқувчиларнинг оналари, фахрий ўқитувчилар, хотин-қизлар кўмитаси аъзолари, ҳомий ташкилот вакиллари, ХТБ ва туман хотин-қизлар кўмитаси аъзолари, мактаб ўқувчилари таклиф қилинади.

Меҳмонларни юқори синфда ўқийдиган ўғил болалар кутуб олаб, уларга гулдасталар тақдим этишади. Меҳмонлар жойларига ўтирганларидан сўнг кеча бошланади.

1-бошловчи: Ассалоуму алайкум, муҳтарам онахонлар ва муносиб сингиллар.

2-бошловчи: Ассалоуму алайкум, муҳтарам устозлар, фозила опа-сингиллар.

1-бошловчи: Ҳаммангизни 8 март—Халқаро хотин-қизлар кунини билан мактабимиз ўқувчилари номидан чин қалбимиздан табриклаймиз.

2-бошловчи: Бу кутлуғ айёмда ҳаммангизнинг оилангизга қут-барока, тинчлик, хотиржамлик тилаш инсоний бурчимиздир.

1-бошловчи: Она қанчалик улуғ, қанчалар мўътабар зот!

2-бошловчи: Она! Бу аввало рафиқа, ватан қадр улкан зот.

1-бошловчи: Оналардан тоғлар виқорлики, кўш ҳароратни, гуллар табассумни ўрганган.

2-бошловчи: Унинг нафасидан чиққан илқик бутун жумлаи жаҳонни иситиб, тантана қилишга ҳам қодир.

1-бошловчи: Оналар бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратармиш...

2-бошловчи: Муҳтарам зот қаҳида қанчалар гапирмайлик, шунчалик оз.

1-бошловчи: Сизнинг таърифутавсифингизни келтирмоққа тил ҳам ожизлик қилади.

2-бошловчи: Хотин-қизларга нисбатан ғамхўрлик жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуқлигининг ўлчами бўлиб хизмат қилиши керак. Она ва унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир, деган эди Ислоҳ Каримов.

1-бошловчи: Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери жамиятимизда хотин-қизларнинг нуфузи беқийс ортиб бормоқда. Уларнинг манфаатини, шахсини, касб-корини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2-бошловчи: Республикаимиз сиё-

сати ҳамда ўтказилаётган ҳар бир анжуман ва тадбирларнинг замирида ҳам асосан, инсон манфаати, юрт фаровонлиги, тинчлиги масаласи асосий ўрин эгаллайди.

1-бошловчи: Янги XXI асрнинг биринчи йили Президентимиз томонидан "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинди ва бу бутун халқимизнинг дидағати истақларнинг жамулам ифодаси бўлди.

2-бошловчи: Янги аср барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган, ҳаёт давомчилиги бўлмиш оналаримизга атаган йил билан бошланишида ўзига яраша рамзий маъно бор.

1-бошловчи: «Соғлом авлод йили»да

бажарилган эзгу ва савоб ишларни "Оналар ва болалар йили"да ҳам давом эттириш кўзда тутилган.

Аёлни ардоқла, кўзларингга сурт. Унинг ул покиза бармоқларини. Аёлни ардоқла, кўз ёшини арт. Худо ярақлаган яноқларини.

2-бошловчи: Аёлни ардоқла, кўнглига қара. Аяма ер юзин гавҳарларини. Ҳофиздек танти бўл, холига бахш эт. Дунёнинг энг гўзал шаҳарларини. ("Аёл" кўшиги ижро этилади.)

1-бошловчи: Аёл—она, аёл—тарбиячи, аёл—мураббий. Ана шу эзгу хислатлар биргина инсон қиёфасида ўз ифодасини топгани тўғрисида аёл янги, муқаммал ўнгини тарбиялайди. Унинг ҳикмати ўтислари ва насихатларида олам-олам ҳаёт ҳақиқати жиололиб туради.

2-бошловчи: Ҳар бир даврнинг, ҳар бир замоннинг ўз зиёли аёллари борапти унун ҳам инсоният маънавият ва маърифатдан бебаҳра қолмаган.

(Саҳнага Нодира, Увайсий, Зебинисо, Анбар отин тисмолидаги юқори синф қизлари чиқиши, фазалар ўқишади.)

1-бошловчи: Онахонлар, сиз меҳри дарё, қалби пок, диимизнинг қувончи, кўзларимиз нури, гавҳарисиз.

2-бошловчи: Сиз хонадонимиз кўрки, севимли бекасиз.

Хувилаб қолар дунё, Агар аёл бўлмаса. Ҳаётга қолмас маъно, Агар аёл бўлмаса. Кун ботмайди, ой чиқмас, Сариштали жой чиқмас, Эркалардан бой чиқмас, Агар аёл бўлмаса. Гуллар ҳам қолар сўлиб, Юраклар кетар тўлиб, Эркалар қолар гариб Агар аёл бўлмаса.

1-бошловчи: Ривоят қилишарича, бир кун кўендан сўрабдилар. Сенинг ҳароратингдан зўрроқ тафт борми? Кўеи: Бор, бу она меҳри. У менинг

тафтимдан—да кучлироқ, дебди. Умидан сўрабдилар: Сенга бас келадиган куч борми? Улим: Бор, бу она меҳри. Бу мени ҳам чекинтиришга қодир, дебди.

2-бошловчи: Оналарнинг оёғи остидадур Равзаи жаннату, жинон боғи. Равза боғни висолни истар эсанг, Бўл оналар оёғи туфроғи. Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошига Тун-қунига айлагани нурфос, Бирисин ой англа, бирисин кўеи!

1-бошловчи: Энди наватни азиз онахонларимизга берамиз.

2-бошловчи: Сизлар учун, азиз онахонлар, "Онажонинг рози қил" кўшиги ижро этилади. (Ёки Илҳом Фармоновнинг ушбу кўшиги магнит тасмасида эшиттирилади.)

1-бошловчи: Кимдир савол берди: Айтгил, Муҳаммад, Ёлғиз сен расулсан буткул оламга, Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт.

Ота-онагами, ёхуд боламга? **2-бошловчи:** Расул жавоб қилади: Тингла биродар, Гапимни уч бора қулоққа илгил. Имкон топа олсанг дунёда агар, Энг аввал онанга яхшилик қилгил.

1-бошловчи: Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узок, Ростдан она эрур қилган олам. Гарчи барчамиз ҳам падаримиз, бирок,

Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам. **2-бошловчи:** Навбатни жажжи ўғлонларимизга берамиз. (Бошланғич синф ўқувчилари томонидан тайёрланган кичик мусиқали дастур намойиш қилинади.)

1-бошловчи: Ҳаётдаги бор гўзаллик аёлга, онага ярашади. Негаки, олоқ уни гўзал қилиб яратган. Қуёшдан меҳр, ойдан нур, ёрдан садоқат, юдулардан чирой олиб унга ҳаёда этган.

2-бошловчи: Бахтимизга ҳаминча омон бўлинг! Сизлар борки, ҳаёт бор, бахту қувонч бор. Барчангизга олам-олам қувонч, аёллик бахти, бекалик тахти, оналик салтанати ёр бўласин.

1-бошловчи: Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр, Такрор айтилганда рангсиздур қалом.

Бу ёруғ оламда ватан биттадур, Биттадур дунёда она деган ном. Раққоса қизлар гуруҳи томонидан "Лазги" рақси ижро этилади.

2-бошловчи: Азиз онахонлар, бугунги хотин-қизлар кунини муносабати билан тайёрланган байрам кечамизни яқунлар эканмиз, ҳаммангизга соғлиқ, омонлик, бағри бутунлик, бағрикенглик тилаймиз.

(Куй-қўшиқ садоси остида меҳмонларга гул ва бошқа совға-саломлар топширилади.)

Фотима ХОЛМИРЗАЕВА, РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими ходими

Xullas...

ЎЛЖА ИСТАГАН АЙИҚЧА

Владивостокдаги посёлкалардан биринида оқ айиқ пайдо бўлди. Ажаб! Урмон ёки туйайзорлар ҳайвонини одамлар орасига торган куч нима? Анадир кўрфазни томонлардан посёлкага келиб қолган айиқча милиционерлар кўришгани олинди. Экологлар унинг бир ёшда эканлигини аниқлашди. Айиқча устидаги тадқиқотлар, унинг бу ерга қорин қайғусига "ташриф" буюрганлини аниқлаш билан яқун топди. Эколог Наталья Шевченко, оппоқ айиқча ҳеч нарсалар тап турмаслигини таъкидлади. Шу бос, алоҳида эҳтиёт чоралари қилиниши, айниқса, болаларни ёлғиз ҳолда кучага чиқармаслик қатъий белгилаб қуйилди. Жониворнинг ҳоли энди нима кечар экан? Ҳар қалай, уни посёлкаликлар оқ қолдиришмас...

ЎГИРИЛНИНГ СЕХРГАРГА ХУРМАТИ

Молдованинг шимолги қисмида яшовчи ва минглаб муҳлисига эга сеҳрлар Виктор Черний кечкунун томошадан қайтагиб, талончиларга лўч қилди. Машина чироклари ёрдамида улар сеҳрларнинг кимтабғо шалқаси ҳамда кўртқасини шафқатсизларча сечиб олишди. Полицияга мурожаат қилган Чернийга икки кун утмаёқ, қўтилмаган хушбабар келди. Бора, полиэтилен пакетда нафақат ўз кўртқаси, балки шалқасини ҳам қурди. Наҳотки, утирланган буюмлари қайтарилган бўлса! Сеҳрлар кўзларига ишонмасди. Пакетдан анча-мунча тропик мевалар ва бир эллик ёзув чиқди. Номалъум боқсичилар маълум ва машур сеҳрларни қон қақшатиб кетганлари унун афсуслана эканлар, шу боёе кечирим сурашибди. Утирларда ҳам инсоф булар экан-да! Фақат уларни инсофга келтиришнинг бир шарты бор — туналган машур бўлиши керак.

ИТ ЭҒСИДАЙ «СИЙЛАМАДИ»

Агар шундай бўлишни билганда, у сира-сир дустинига меҳмонга бормаган бўларди. Стол теграсида қувноқ давра, Яхши тилак ва истақлар баён. Еб-ичиш ва уйнаб-қулиш... Лекин айр-майвор, мезбонга миннатдорчилик изҳор этиш дустона ва самимий руҳда келмади. Мезбоннинг "Фред" лақаби кучути даврага килар экан, меҳмонга килар аёллардан бири уни олдига утиришди, эркалай бошлади. Шу пайт нима жин урдую, ит аёлини қулоғидан тишлаб олди. Дод-вой, бақирик-чақирик! "Эс бр-дм" шифкорик зулдук билан етиб келиб, тишланган қулоққа малҳам қуйди. "Фред"нинг соҳибаси, унга спиртли ичимлик хили ёкмаганлиги учун бундай номтақуллилик қилганлигини таъкидлади, дея хабар қилинади "Нижегородский рабочий" газетасида.

ана шунча гаплар...

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти раҳбарияти ва бирлашган касабая уюшма кўмитаси шарқ тиллари кафедрасининг доценти Г. Тошмухамедовага акаси

Омон ТОШМУХАМЕДОВ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎЗМУ Компьютер технологиялари факультети жамоаси ХАСМТ кафедраси доценти Шавкат Мадраҳимовга отаси

Файзулла МАДРАҲИМОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 20 рақам билан 12 июль 1996 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150, F2117. Тиражи 38.273. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Объём усулда босилган, қороз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй Босинга тошйирини вақти — 20.00. Топшириди — 20.00.



XXI АСР СПОРТИ СТАРТАДА

Спортнинг дангал турларидан бири—кураш. Курашнинг ҳам турлари кўп. Шу йилнинг 2-4 март кунлари Тошкентнинг нуфузли "Юнусобод" спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Мустақиллик кубоги анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтади. Беш кунтада ўтадиган Гран-При туркумига қирувчи ушбу беллашуларда йигирмага яқин мамлакат спортчилари бел олишади.

Ўзбек кураши жаҳон минтақаларини бирмабир забт этар экан, юртимиз полвонлари бошқа кураш турларида ҳам муваффақият қозонишдан тўхтаганлари йўқ. Артур Таймазовнинг Сидней олимпиадасида кумуш медал соҳиби бўлгани бунга ёрқин исбот. Бешинчи бор ўтказилаётган Мустақиллик кубоги халқаро турнирида ўзбекистоннинг асосий терма жамоаси билан бирга ёшлар терма жамоаси ҳам

баҳсларда иштирок этади. Бу ёшларимизга август ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган эркин кураш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати олдиндан катта синов, яхшигина сабоқ вазифасини ўтайди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида янги асрда ёшлар ўртасидаги илк жаҳон чемпионатининг юртимизда ўтказилиши бежиз эмас. Бу ўзбекистонда курашга, умуман спортга бери-

Российлик А. Карелин, А.Фадзаев, белоруссиялик А.Медведь, арманистонлик А.Казарян, озарбойжон полвони А.Алиев каби бир неча бор жаҳон ва олимпиада чемпионлигига эришиб, не-не паҳлавонларнинг курагини ерга теккизган машур курашчилар турнирида фахрий меҳмон сифатида иштирок этадилар. Ўзбекистон—кураш мамлакатига айлиниб бораёттир.



Муҳаммадодил ХУҶАМАТОВ

Ko'ngil bitiklari

АБАДИЙ ПОК ҚОЛ

Ҳаётим гулшани, манзил-мақоим, Сен борсан севинчга тўлақ қол оним, Дарду аламлар-ку, мейдан кўп йирик, Эҳсонинг оламидир, йўқдир армоним, Покиза авлодсан Момо Ҳавога, Маҳамсан, муҳтожмас гардим вабога.

Яхшилик тилаги илтижом — зоринг, Дийдор насибаси кўнглида боринг, Муҳтарам волида Аллоҳга яқин, Бирор жонзотга ҳеч тегмас озоринг, Қайғуни қўвонча айлантирган сен, Гумоним ишончга айлантирган сен.

Одод аҳилларин ҳуснисан она, Бошпан сидғиқсан, зоҳир гулрону, Ҳаром нафс олдига ожиз, кар, соқов. Пок фаршталар ҳам сенга парвона, Сен Ҳақнинг ўзадан муборак шоньом, Саҳоват боғидан буюк эҳтиром.

Номинг улуғланди, ҳаётга болсан, Робиза, Сайида юзида холасан, Жаббор хузурда муптоз қаринг бор, Икки дунё узра кўркам жомолсан, Ҳаёт бешигини тебратган аёл, Ҳақ ва ҳақ қалбига абадий пок қол.

ҚАЛБ КЎЗИНИ ОЧ ТЕЗРОҚ

Тан омасам ризқингни кўр қилсин ошу нонинг, Ватан қаринг билмасам ҳаром менга маконинг, Ошиқлик гар фидосиз зулм бўлсин ҳар онинг, Вужудимни титратиб йиғлайман кўзда ёшим, Шафқат айла қулуҳин қулфатлардан бу бошим.

Қошқиди фатуаватинг мартабасин билолсам, Ада йўлида риёсиз, саховатли бўлсам, Розиман тан-жонимни Ҳаққа ҳада қилсам, Вужудимни титратиб йиғлайман кўзда ёшим, Сафо, вафо аҳдин бер, нафсини сундир бардошим.

Ҳоксор инсон аталай, кўнглим бўлсин шикаста, Тажали олсин ўрин сидқ-сийнамдан бир пасса, Билдим замин-замонга само ҳукми пайваста, Вужудимни титратиб йиғлайман кўзда ёшим, Ростгўй бўлиб хиайин пок бўлсин нону ошим.

Суратим нигоҳи-ла шайдо боқиб бошлайман, Ҳатто чекиб оху зор киприқларим ёшлайман, Қачон сийрат чашмасин ёлғиз нурга ташлайман, Вужудимни титратиб йиғлайман кўзда ёшим, Қалб кўзини оч тезроқ илтижомга қарошим.

Эргаш БЎЗОРОВ, Фахрий педагог, Фузур тумани

ПОЛЬШАЛИКЛАР ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлган Польша давлати жисмоний тарбия ва спорт вазирини Мишислав Новицки ҳамда Польша кураш федерациясини Президентини Мишислав Битовскийлар Тошкент Давлат темир йўли транспорт муҳандислари институти талабалари билан учрашдилар.

Меҳмонлар талаба-ёшларнинг саволларига жавоб берар эканлар, ҳозирги кунда Польшада узбек миллий курашнинг оммавий спорт турига айлиб бораётганининг асосий сабаби, унинг бошқа спорт турларига нисбатан, томошабиллиги, кескинлиги, ўзига хос миллий жонбосида эканлигини таъкидлаб ўтилди.

XVIII республика "Қувноқ стартлар" телемуسابасининг иккинчи давра беллашувида Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 14-ўрта мактабнинг "Қўнғирот" ва Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги 36-мактабнинг "Боғизагон" командалари голиблик учун бор маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Мусобақанинг биринчи даврида 12 ўқувчи 7 та тўсиқ остидан ўтиб, коптокни бир-бирларига ошириш

НАВБАТ ЯРИМ ФИНАЛГА

бўйича чаққонликларини намойиш этишди. Бу баҳсда "Боғизагон" командаси голибликни, "Моҳир футболчилар" баҳсида "Қўнғирот" командаси аъзолари маҳорати юқори эканлиги яққол намойён бўлди.

Ўйинлар дастурининг қолган саккизта беллашуви ҳам ҳаёжонли ва қизгин курашлар остида ўтди. Лекин иккинчи давра ўйинларининг

олдинги мусобақаларида командалар жуда кам очко фарқи билан ярим финалга йўлланма олинган бўлишса, бу учрашувда сурхондарёлик

Quvnoq startlar

ўқувчилар ўз "рақиблари"дан маҳорат жиҳатидан анча юқори эканликларини кўрсатини. Қолган саккиз учра-

шувинг олтиасида улар галабага эришишди, бир учрашувда мағлубият аламини топтишди, бир учрашувда натижа билан тугали. Айниқса "Арқон тортиш", "Дарвозани нишонга олиш", "Эңчил болалар" беллашувларида ажирлик ва спорт маҳоратларини намойиш этишиб, ўз муҳлисларини хурсанд қилишди.

Учрашувга 20:11 ҳисобида



Ma'rifa

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касабая уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ
Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонининг учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»да материалларни кўчириб босиш тахририят рўхсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23.
Газета материаллари тахририятда терилди ИВМ компьютерида Ляляя БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Дилбар ХУҶАЕВА, наватчи Хусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 20 рақам билан 12 июль 1996 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150, F2117. Тиражи 38.273. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Объём усулда босилган, қороз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй Босинга тошйирини вақти — 20.00. Топшириди — 20.00.